

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Sharg'unko'mir" AJ

Объявление

"SHARG'UNKO'MIR" AKSIYADORLIK JAMIYATI

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА
ЭЪЛОН

“ШАРҒУНКЎМИР” АЖ Акциядорлари диққатига!!!

“Шарғункўмир” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йилнинг 22 декабр куни, Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, Шарғун шаҳри, А.Икромов кўчаси, 50-уйда жойлашган жамият мажлислар залида ўтказилиши белгиланган.

Йиғилиш соат 15:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 14:00 дан бошланади. Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестрини 2023 йил 30 ноябр ҳолатига ҳамда йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг реестрини 2023 йил 18 декабр куни ҳолатига шакллантирилади.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

- 1. Жамият саноқ комиссиясининг миқдорий ва шахсий таркибини тасдиқлаш;**
- 2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш;**
- 3. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан йирик битимлар тузиш тўғрисида.**

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан “Шарғункўмир” АЖ да ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: +99 899 377-22-05

Расмий Веб-сайт: www.sharguncoal.uz (<http://www.sharguncoal.uz/>)

Электрон почта манзили: – shargun_kumir58@mail.ru (mailto:shargun_kumir58@mail.ru);

Сиздан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига иштирок этишингизни сўраймиз.

“Шарғункўмир” АЖ

Кузатув кенгаши

30.11.2023

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/16524/>

Дата: 25.06.2026